

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг
2025 йил 27 октябрдаги 1326/01-13-сонли хатига
1-илова

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида
белгиланган 2025 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режалари ижроси тўғрисида

ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

Т/р	Вазифалар	Амалий чора-тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар	Ижро ҳолати
II. БАҲҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҲСИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ						
56-мақсад: Монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш						
1.	Истеъмолчилар мурожаатларини кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2025- йил 1-декабрдан бошлаб @Истеъмолчи мурожаати” электрон тизимини жорий этиш. 4-илова 63-банд	Мазкур “Истеъмолчи мурожаати” электрон тизими орқали барча истеъмолчиларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва барча босқичларда мониторинг қилиб боришни йўлга қўйиш. Истеъмолчиларнинг мурожаатларини tizim орқали онлайн равишда тўғридан- тўғри тадбиркорлик субъектига йўналтириш ва хўжалик юритувчи субъект томонидан масала ҳал этилишига эришиш. Шунингдек, тизимда онлайн равишда корхоналарнинг мурожаатларни ҳал этиш бўйича рейтингини шакллантириб бориш. 1. 2025-йил сентябр ойида техник йўриқнома ишлаб чиқилиб, экспертизадан ўтказиш. 2. 2025-йил ноябр ойида тест режимида ишга тушириш. 3. 2025-йил декабр ойида тўлиқ ишга тушириш. Натижада истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органларининг аралашуви камайтишига эришиш.	2025 йил декабр	Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Х. Турахужаев), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси (У. Мухаммадиев), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев), Адлия вазирлиги (А. Тошқулов), Ўзбекистон техник тартибга солиш агентлиги (А. Жуманазаров), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш. Хидоятлов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худайоров), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (И. Кутбиддинов), Савдо-саноат палатаси (Д. Вахабов), Бизнес-омбудсман (Д. Касимов)	Бажарилди/ Ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди: - истеъмолчиларнинг мурожаатларини тизим орқали онлайн равишда тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектига йўналтириш ва хўжалик юритувчи субъект томонидан масала ҳал этилишига эришиш бўйича Рақобат қўмитасининг “FAIR TESH” ягона ахборот тизими доирасида “Истеъмолчи мурожаати” модулини ишлаб чиқиш бўйича хусусий техник топшириқ лойиҳаси ишлаб чиқилди; - хусусий техник топшириқ белгиланган тартибда экспертизада ўтказиш учун 2025 йил 24 мартда 547/02-08-сонли хат билан “Киберхавфсизлик маркази” ДУКга юборилди; - “Киберхавфсизлик маркази” ДУК томонидан хусусий техник топшириқни экспертизада ўтказиш харажатлари аниқланди ва 2025 йил 7 майда Қўмита ва “Киберхавфсизлик маркази” ДУК ўртасида хусусий техник топшириқни экспертизада ўтказиш бўйича 359-TZ-сонли шартнома имзоланди;

						- “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг 13 июнь 2025 йилдаги 01-21-01/2127-сонли хати билан хусусий техник топшириқ лойиҳасини тасдиқлаш бўйича ижобий хулосаси тақдим этилди. Хусусий техник топшириқ лойиҳасини Рақобат қўмитаси томонидан тасдиқланди. Дастурий таъминотнинг мобил иловаси ишлаб чиқилиб, синов тариқасида “Play market” ва “App store” платформаларига “fair tech” номи билан жойлаштирилди. Ахборот тизими Электрон ҳукумат ягона портали орқали электр энергия, газ таъминоти ва сув таъминоти каби коммунал хизмати ташкилотлари ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция килинди Ахборот тизими синов тариқасида фаолиятга жорий этишни таъминлаш мақсадида Рақобат қўмитасининг Интерактив хизматлар портали (my.fairtech.uz)га жойлаштирилди. Бугунги кунда ушбу дастур тўлиқ ишга туширилди.
--	--	--	--	--	--	--

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг
2025 йил 27 октябрдаги 1326/01-13-сонли хатига
2-илова

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида
белгиланган 2025 йилга мўлжалланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ижроси тўғрисида

ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида назарда тутилган тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар	Ижро ҳолати
II. БАҲҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҲСИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ						
56-мақсад: Монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш						
1.	Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида акция ва чегирмалар ўтказилишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва давлат томонидан назорат механизмини ишлаб чиқиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. 5-илова 18-банд	Чакана савдода акциялар ва чегирмаларни ташкил қилиш, ўтказиш ва рўйхатга олиш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда чакана савдо қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш. Лойиҳада: чакана савдода акциялар билан боғлиқ асосий тушунчалар, бундай акцияларни ташкил этиш ва ўтказишга қўйиладиган талаблар; қонунчилик талаблари бузилган ҳолда ташкил этилган ва (ёки) ўтказилган акция ва чегирмаларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тартибини назарда тутиш	2025 йил сентябр	-	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Ҳ. Турахужаев Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов, Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов	Бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ-16-сон Фармони 5-илоvasи, 18-бандига асосан, “Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 662-сон қарорига имзоланган. Ушбу қарор билан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига ўзгартириш киритилди. Ушбу қарор билан чакана савдода акциялар ва чегирмаларни ташкил қилиш тартиби, асосий тушунчалар, муддатлари, товар харид қилган истеъмолчига қўшимча чегирма, бонус ёки қўшимча хизматларни тақдим этиш шартлари, акцияларни ташкил этиш ва ўтказишга қўйиладиган талаблар, қонунчилик талаблари бузилган ҳолда ташкил этилган ва (ёки) ўтказилган акция ва чегирмаларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тартиби, махсус тақлифларни тақдим этишда унинг амал қилиш муддати ва аниқ шартлари тўғрисида олдиндан хабардор қилиш,

						чегирма, акция ва махсус таклифлар давомида истеъмолчиларга сотилган товарларга, шу жумладан узок муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарларга ишлаб чиқарувчи томонидан берилган кафиллик мажбуриятларини тақдим этмаслик тақиқламоқда. Бундан ташқари, акция, чегирма ва махсус таклифлар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот берилмаслик атайин нотўғри расмийлаштирилган нархномалар қўйганлик сифатида эътироф этилмоқда.
--	--	--	--	--	--	---